



Гулчехра Наврӯзова

# Баҳоуддин Нақшбанд

18

ГУЛЧЕХРА НАВРЎЗОВА

# Баҳоруддин Нақшбанд

(рисола)

2697

*Handwritten signature*

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**ToshDO'TAU**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ  
«ABU MATBUOT-KONSALT»  
2011

УДК 94(575)(092) Нақшбанд  
ББК 63.3(5Ў)4  
Н14

*Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир:  
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов*

**Тақризчи:**  
*фалсафа фанлари номзоди Г. Юнусова*

### **Наврӯзова, Гулчехра.**

Баҳоуддин Нақшбанд (рисола) / Г.Н. Наврӯзова; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 24 б. – (Тарих ва тақдир).

Мазкур фалсафий рисолада нақшбандия тариқатининг асосчиси, машхур авлиё Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг таълимоти хусусида сўз боради. Рисола сўнггида Баҳоуддин Нақшбанд рубойларидан намуналар ҳамда Бухорои шарифнинг етти пири – хожагон-нақшбандия тариқати назариётчиларининг номлари келтирилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Нақшбанд  
ББК 63.3(5Ў)4

## Сўзбоши

Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машхур Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (1318–1389) томонидан асосланган нақшбандия таълимотида инсон камолоти масаласи ўзига хос услуб ва йўллар билан ҳал этилган. Тасаввуфда инсон камолотга етишиш учун ўз-ўзини англаши ва ўз нафсини тийган ҳолда Ҳаққа ега олиши масаласи нақшбандия тариқати учун ҳам хосдир. Лекин инсон ўз-ўзини англаши, ўз моҳиятини билиши ва ҳаёт мазмунини фаҳмлаши учун ўзидаги қувватларни тўлиқ сафарбар этиши ва бир нуқтага жамлаши лозим.

Нақшбандия таълимотида инсон камолоти учун зарур ҳол ва мақомларга эмас, балки ўз нафсини кузатиш ва назорат қилишга эътибор берилади ва инсон бутун жисмоний, ақлий, нафсоний, рухий қувватларини бир нуқтага тўплаш учун шу услубни маъқул ҳисоблайди. Мутасаввифнинг инсонпарварлик ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган тасаввуфий қарашлари Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларининг тинч-тотув яшашига кўмаклашади, диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризмга қарши курашда, миллий ғоянинг мафкуравий негизини тушунишда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## Таваллуд топган тупроқ ва устозлари

**Н**ақшбандия тариқатининг асосчиси, машхур авлиё Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (1318–1389) Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган. Бу қишлоқ ул зот шарафига кейинчалик Қасри Орифон деб аталган. Бу қишлоқ Бухородан бир фарсанг масофада жойлашган бўлиб, ҳозирги Когон тумани таркибига киради. Тарихий манбаларда у пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) авлодларига мансуб саййидзодалардан эканлиги қайд этилган. Унинг отаси мато тўқувчи ҳамда унга ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган.

*Баҳоуддин* (диннинг нури, шуъласи, равшанлиги) унга кейинчалик берилган фахрий номдир. *Нақшбанд* (кимхобга нақш солувчи, гул берувчи) унинг отаси ва ўзининг касб-ҳунари бўлгани учун берилган унвон. Бундан ташқари, бу сўз Аллоҳ каломини дилга нақш этиш маъносида ҳам қўлланилади. У халқ орасида *Балогардон*, яъни қудрати билан бало-қазони даф қилувчи унвони билан ҳам машхур. Ўзларининг асл исми *Муҳаммад* бўлган. Бундан ташқари, ул зот халқ ўртасида *Хожа Баҳоуддин*, *Баҳоуддин Балогардон*, *Шоҳи Нақшбанд*, *Хожаи Бузрук* номлари билан ҳам машхурдир. Бу номлар ичида энг машхури *Баҳоуддин Нақшбанд* хисобланади.

Ёш Муҳаммаднинг тақдири ва камолотга эришишида суфийлар билан яқин муносабатдаги бобосининг хизмати катта бўлган. У суфийлар билан яқин алоқада эди. Шу сабабли набирасида илоҳиётга катта қизиқиш уйғотади. Муҳаммаднинг биринчи пири-устози Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий эди. Кекса шайх ёш Баҳоуддинни тарбиялашни ўринбосарларидан бири бўлмиш Амир Саййид Кулол (Мир Кулол)га топширди. Самосий ҳазратлари вафоти олдидан Мир Кулолга васият қилиб, Муҳаммадни хожাগон тариқати жамоасига қўшиб, уларнинг тасаввуфий йўлини ўргатишни сўради. Хожাগония тариқатига XII асрда Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний асос солган эди. Ёш Баҳоуддин руҳоният даражасига Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ғойибона башоратлари туфайли эришган.

Кейин у мавлоно Ориф Деггароний даргоҳида (Ҳазора қасабасида) 7 йил хизмат қилади. Турк тасаввуфий шайхлари Қусам Шайх (Насафда) ва Халил ота қўлида илм олиб, яссавия тариқати асосларини ҳам ўрганади. У Халил ота даргоҳида 12 йил хизмат қилган ва унинг яқин ҳамсухбати бўлган. Хусусан, ёш Баҳоуддин Қусам Шайхга ихлоси баланд эди, айти чогда Қусам Шайх ҳам уни ўз ўғлидек билиб, муридига чексиз ҳурмати туйфайли умрининг охиригача Бухорода яшаб, шу ерда вафот этади.

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) авлодларига мансуб саййидзодалардан эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Шарофиддин Муҳаммад Нақшбандийнинг «Равзат ус-сафо» асарида Нақшбанд насаби бир неча восита билан Ҳазрат Имом Жаъфар Содикқа бориб етиши ҳақида маълумотлар бор. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг насаби қуйидагича кўрсатилган: Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд ибн Саййид Муҳаммад Бухорий ибн Саййид Жалолиддин ибн Саййид Бурҳониддин ибн Саййид Абдуллоҳ ибн Саййид Зайнилобиддин ибн Саййид Қосим ибн Саййид Шаббон ибн Саййид Маҳмуд ибн Саййид Белоқ ибн Саййид Тақи ибн Суфий Хилвати ибн Саййид Фаҳриддин ибн Саййид Акбар ибн Имом Ҳасани Аскар ибн Имом Али Тақи ибн Мусо Ризо ибн Имом Мусоий Козим ибн Имом Жаъфари Содик.

1906 йилда ёзилган Носириддин Тўра Бухорийнинг «Тухфат уз-зойирин» асарида ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг насаби қуйидагича келтирилган: Ҳазрат Баҳо-ал-Ҳаққ-вад-Дин Саййид Муҳаммад ибн Саййид Муҳаммад Жалол-ад-дин Бухорий ибн Саййид Бурҳон-ад-дин Холдор ибн Саййид Абд-Оллоҳ ибн Саййид Зайн-ал-обидин ибн Саййид Шаббон ибн Саййид Бурҳон ибн Саййид Маҳмуд Румий ибн Саййид Исҳоқ, лақаби Илоқ ибн Саййид Тақи ибн Саййид Хилвати ибн Саййид Фаҳр-ад-дин ибн Саййид Маҳмуд Жомий ибн Саййид Али Акбар ибн ҳазрат Имом Али Тақи ибн Имом Муҳаммад Тақи ибн ҳазрат Имом Али Мусо ар-Ризо.

Баҳоуддинга тарбия берган устозларни шартли равишда иккига ажратиб мумкин:

1. Зоҳиран, бевосита мулоқотда бўлиб тарбия берган устозлар.

2. Бевосита учрашмасдан, руҳлари орқали тарбия берган устозлар.

Биринчи гуруҳга Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Халил Ота, Амир Кулол, Ориф Деггароний, Қусам Шайх ва ҳадис илмини ўрғаган устозлари киради.

Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳоуддинга тарбия берган биринчи устоздир. Бу киши ҳақида «Рашаҳот» асарининг 42–43-бетларида маълумот берилган. Муҳаммад Бобойи Самосий Хожа Азизон Ромитанийнинг энг комил ва фозил саҳобаларидан эди. У киши Ромитаннынг Самос қишлоғида дунёга келган. Муборак қабри ҳам ўша ердадир.

Ҳазрат Баҳоуддинни фарзандликка қабул назари Муҳаммад Бобойи Самосийдан бўлган. У киши Ҳазрат Баҳоуддин туғилишини оддиндан башорат қилган. Уч кунлик Баҳоуддинни Бобойи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилиб, Амир Кулолга унинг тарбияси билан шуғулланишни топширган. Бобойи Самосий 1354 йилда вафот этган.

«Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд»да келтирилган нақддан маълум бўладики, Баҳоуддин асос солган нақшбандийлик таълимотида ризо тушунчасининг шаклланишида шу кишининг алоҳида ўрни бор. Манбада бу ҳақда шундай келтирилган: «Ҳазрати Хожамиз нақл қилиб дедилар: «Ёшим ўн саккизга етганда уйланмоқчи бўлдим. Бобом мени Самосийга – Ҳазрати Хожанинг ҳузурига юбориб, уларнинг муборак қадамлари бизнинг манзилимизга етишини ва бу хайрли иш уларнинг муборак назарлари остида анжом топишини истадилар. Уларнинг юзларини кўрганимда сезган биринчи каромат шу бўлдики, уларнинг суҳбатлари шарофатидан менда илтижо ва зору тазарруъ ҳолати пайдо бўлди, ўрнимдан туриб уларнинг масжидларига кирдим ва икки ракаат намоз ўтадим. Сўнг бошимни саждага қўйиб, кучли ҳожатмандлик илтижоси билан тилимдан: «Илоҳо, бало ва кулфатнинг юқини кўтара олиш ва муҳаббатнинг меҳнатини торта олиш қувватини менга арзон тут», деган сўз ўтди.

Тонг отгач, Ҳазрати Хожа ҳузурларига кирдим. Шундай дедилар: «Эй фарзанд, дуода: «Илоҳо, Сенинг улуғ ризоинг нима ишда бўлса, бу бандани ўша ишга мубтало эт», демак лозимки,

---

Ҳақ Субҳонаҳу ва таоло ўз ҳикмати билан ўз дўстига муҳаббат балосини юборади ва ўз инояти билан ўша юкни тортишни ўз дўстига ато этади. Бунинг ҳикматини эса унга аён қилади. Ўз ихтиёри билан бало талаб қилмоқ душворким, бу борада густоҳлик қилмаслик керак!»

Баҳоуддинга Балоғардон, яъни тушаётган балоларни дафъ қилиш, йўқотиш каби илоҳий қувватлар намоён бўла олишини ҳам биринчи марта Бобойи Самосий айтган ва у киши Нақшбандга Хожа Али Ромитанийнинг кулоҳларини берган, шу билан Нақшбанднинг ҳолати ўзгарган. Бобойи Самосийнинг башоратлари амалга ошган ва Баҳоуддин, дарҳақиқат, балоғардонлик сифатларига эга валий ва соҳибқаромат бўлиб етишди.

Бобойи Самосий томонидан айтилган қуйидаги ибора сўфийлар орасида машҳурдир: «Инсон кўп нарса ҳақида ўйлайди. У: «Мен – ягонаман» деб билади. Аслида эса у бир неча бирликларга бўлинади. Токи шу йўсинда ягона бўлиб етишгунча у ким эканлигини тўғри тасаввур этишга қодир бўлолмайди». Бу ҳикматли сўз орқали инсоннинг Ҳаққа етиши учун ўзини тўла ўрганиши керак, дейди. Бунинг учун эса турли кўринишда намоён бўладиган ҳолатлардан илоҳий ваҳдоният сифатига ўтиш лозимлигини таъкидлайди.

Хожа Муҳаммад Бобо қариб қолган пайтларида Баҳоуддин Нақшбандни боболари Самарқандга элтган. Қаердаки бир дарвешни кўрсалар, уни уларнинг суҳбатига олиб борганлар ва беҳад ҳожатмандлик изҳор этганлар.

Қасри Орифонда бўлган вақтда Баҳоуддинга Ҳазрат Азизон, яъни Хожа Али Ромитанийнинг муборак кулоҳлари етишган. Бу кулоҳдан унинг ҳоли ўзгарган ва кучли умид пайдо бўлган. Шу аснода Ҳазрат Сайид Амир Кулол ташриф буюриб айтган: «Менга Хожа Муҳаммад Бобо васият қилиб, фарзандим Баҳоуддиндан шафқатингни аяма, агар бу ишда нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман, дедилар. Агар Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобо васиятида нуқсонга йўл қўйсам эркак эмасман», деди. «Мақомот» ва «Анис ут-толибин»да бу воқеалардан кейин Баҳоуддин тушидаги ишорага асосан 12 йил Халил отадан тарбия олганлиги кўрсатилган. У кишидан кейин яна руҳий оламдаги Абдулоҳиқ Ғиждувоний ишоралари билан Амир Кулолдан тарбия олганлари ёзилади.



«Рашаҳот»да Баҳоуддин Амир Кулолдан сўнг Ориф Деггароний ва Қусам Шайхдан ва кейинчалик эса Халил отадан тарбия олган дейилиши воқеалар мантқиғига унчалик мос келмайди. Чунки «Мақомот»да Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари томонидан келтирилган қуйидаги нақл бу воқеанинг бошқа тарзда бўлганлигини кўрсатади: «Мен отам билан кимхоббофлик касби билан машғул эдик ва ёшлар расмига мувофиқ алоҳида хонамиз бор эди. Бир кун кечаси турк машойихларининг улуғларидан бўлган Ҳаким Ато қуддиси сирриҳуни тушимда кўрдим. Улар мени бир дарвешга топширар эдилар. Уйғонган пайтимда дарвешнинг афту ангори эсимда қолган эди. Солиҳа бувим бор эдилар, бу тушни уларга айтдим. «Турк машойихларидан сенга насиба ҳосил бўлади», дедилар. Мен доимо ўша дарвешни кўриш орзусида юрардим.

Бир кун Дарвозани Оҳангарондан чиқаётиб, ўша дарвешга дуч келиб қолдим. Сочлари мулоҳ шаклида, бошида минг баҳяли кулоҳ, қўлида ўн бадли уд дарахтидан қилинган ҳасса бор эди. Орқасидан равона бўлдим. У менга қайрилиб боқмасди, мен эса қолмасдан кетавердим. Мурғкуши кучасига етиб, бир уйга кирди. Мен эса орқага қайтдим.

Тунда танишларимдан бири менинг олдимга келди. «Халил номли бир турк шайхзодаси сени йўқлаяпти», – деди. Хурсанд бўлиб ўрнимдан турдим. Куз фасли эди. Бухоро неъматларидан биров ҳада олдим ва бордим. У ерда бир хона бўлиб, дарвеш хонанинг бурчагида ўтирган экан. Олдида бир гуруҳ киши бор эди. Салом қилиб ўтирдим. Сўнг ўша тушни айтиш истаги тугён урди. Шу пайт менга туркчалаб: «Улким сенинг кўнглингдадур, ўзи бизга аёндир, айтмоқ не ҳожат?» деди. Ҳолим ўзгарди, унга майлим янада зиёда бўлди.

Мен унинг мулозаматида бўлдим. Унинг ҳузурида ажойиб ҳолатларни кўрдим. Олти йилдан сўнг унга Мовароуннаҳр подшоҳлиги муяссар бўлди. Уни Султон Халил дер эдилар. Ўша пайтда ҳам ундан улуғ ҳолатлар рўй берарди. Унинг олти йиллик салтанати даврида яна унга мулозим бўлдим ва подшолар хизматидаги одобларни ўргандим ва унга хизмат қилиш одобларини жойига қўйдим. Хилватда унинг хос маҳрами мен эдим.

Шундай қилиб мен авлиёуллоҳнинг хизматини қилардим. Баъзан қаттиқ гапириб, баъзан лутфи билан менга кўп шафқатлар

---

қиларди. Шундан сўнг уларга қарши душман пайдо бўлди. У енгилди. Бир онда унинг тамоми салтанати ҳавога совурилди. Шунда дунёнинг барча қору боридан менинг кўнглим совуди. Бухорога қайтиб келдим ва Ревартунда яшай бошладим».

Бу нақл Баҳоуддиннинг 12 йил Халил ота тарбиясини олганлигини кўрсатади.

Носириддин Тўранинг «Тухфат уз-зойирин» асарида Халил отанинг нур тўла мозори Нахшаб (Қашқадарё вилояти)даги деҳаи Шуллак мавзеида (Қарши қўрғонидан тахминан чорак тош масофада) бўлган ва ўша ер аҳолисининг маъруф зиёратгоҳи эканлиги қайд этилган.

Ибн Баттутанинг маълумотларига кўра, Халил ота Чигатой улуси хони Ясаurning ўғли ва 1340–1347 йилларда султон бўлган.

Юқоридаги далилларга асослансак ва Баҳоуддин Халил отани кўриб, олти йил хизмат қилгандан кейин унинг султон бўлганлигини инобатга олсак, демак, тахминан 1335 йилда ҳазрат бу дарвеш билан учрашган ва бу вақтда Баҳоуддин 17–18 ёшда бўлган деган мантиқий далил туғилади.

Халил Султоннинг давлати таназзулга учрагандан кейин Баҳоуддинга моддий олам, бойлик, мансаб ва бошқаларнинг вақтинчалиги ва ўткинчи эканлиги аён бўлди. У буларнинг барчасидан кўнглини батамом узди.

Баҳоуддин Нақшбанд тавбага етишиб, Коми Абу Муслим (ҳозирги Қизилтепа) туманидаги Ревартунга келгандан кейин илм олиш билан машғул бўлди. «Мақомот»да у ҳадис илмини Баҳоуддин Қишлоқийдан ўргангани ёзилган. Носириддин Тўра «Тухфат уз-зойирин»да Баҳоуддин Қишлоқийни у кишининг устози деб қуйидаги маълумот берилади: «Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий – ўз даврининг муқтадоси (раҳбари) бўлгандир. У зоҳирий (ақлий-мантиқий) ва ботиний (руҳий) илмлардан олим, (шунингдек) қаромат соҳиби бўлган эди. У Улуғ Хўжа (Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд)га суҳбат шайхи ва ҳадис (илмининг) устози бўлган эди».

## Баҳоуддин Нақшбанд – увайсий зот

**Б**аҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлларига оид бўлган «Мақомот», «Маноқиб» тазкира ва рисоаларида унинг увайсий эканлиги таъкидланган.

XV аср ёзма манбаси бўлган Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи Қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида шундай ёзилади: «Ҳазрат хоҷамизнинг йўллари увайсийлар тариқасидир». Демак, Баҳоуддин руҳий камолотга етишда увайсийлик йўлидан борган. Шу манбада бу йўл қуйидагича изоҳланади: «Увайсийнинг маъноси – авлиёллоҳлардан бир тоифа бўладик, тариқат машойихлари ва ҳақиқат бузрукворлари уларни «увайсийлар» деб аташади. Улар учун зоҳирда пирга эҳтиёж бўлмайди, чунки рисолатпаноҳ уларни ўзларининг иноят ҳужраларида ўзгаларнинг воситасисиз парвариш қиладилар, чунончи, Увайс (Қараний)га шундай парвариш берган эдилар. Бу улуг ва олий мақом бўлиб, унга кимни еказадю ва бу давлат кимга юз ўгиради, бу Аллоҳнинг фазлидандир, кимни хоҳласа ўшанга беради. Аллоҳ, улуг фазл эгасидир».

Алишер Навоий «Насойим ул муҳаббат мин шамойим ул футувват» асарида увайсийлик сулуки Увайс Қараний номи билан юритилишини таъкидлайди, чунки у Муҳаммад пайғамбарни зоҳир кўзи билан кўрмасдан туриб, маъно ва руҳоният юзидан тарбият олган эди. Навоий ёзадики: «Ҳар кишинингки, бу тоифадан зоҳир юзидан пири маълум бўлмаса ва машойихдан бирининг руҳи ани тарбият қилган бўлса, уни увайсий дерлар».

Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Оби ҳаёт томчилари») асарида Нақшбанд номи билан машҳур ҳазрат Хожа Баҳоуддин зикрини қуйидагича келтиради: «Аммо ҳақиқат юзасидан хожа увайсий бўлганлар ва ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан тарбият топганлар».

Бу билан Нақшбанднинг увайсийлигини ўзидан олдин ўтган Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний руҳониятидан тарбият топганлиги билан изоҳлайди. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ва Салоҳиддин ибн Муборак Бухорий томонидан XIV асрда ёзилган «Мақомот» ва «Маноқиб»га асослансак, Баҳоуддиннинг увайсий эканликларини кенгроқ изоҳлаш мумкин. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, хожанинг биринчи руҳий ҳолатлари ўзгаришига сабаб Хожа Али Ромитаний руҳонияти бўлган. Шу-

нинг учун Нақшбанд ўзларини «Биз Ҳазрат Азизоннинг муридларимиз», деб таъкидларди. Кейин у кишининг тушида Ҳаким ота – Сулаймон Боқирғоний руҳлари ишорат қилган ва у киши Халил ота тарбияларини олган. Бундан кейин Абдуллоҳиқ Ғиждувоний – Хожай Жаҳон руҳониятидан тарбия олган. У кишининг айтган ўғитларига тўла амал қилиб руҳан камолга етган. Демак, увайсийлик – бевосита маънавий, руҳий тарбия бўлиб, зоҳирий тарбияга нисбатан олий мақомдир.

Манбалар гувоҳлик берадики, ладуний – илоҳий илм, асосан, Хизр (а.с.) орқали берилган. Баҳоуддин ҳам бу кишининг суҳбатига мушарраф бўлган. Шунингдек, йўлнинг бошида Нақшбанд Увайс Қараний руҳониятига юзланиб, уларнинг сифатларига кириб сайр этган. Баҳоуддин ҳақидаги манбаларда ёзилади: «Саккиз ойдирки, биз таважжухимизни Увайс Қаранийнинг руҳониятига қаратган эдик ва уларнинг сифатига кириб сайр қилардик. Бугун уларнинг сифатидан чиқдик».

Баҳоуддин Нақшбанд буюк мутасаввуф Мансур Ҳаллож (858–922) руҳониятидан ҳам таълим олган. Нақл қилинишича, у айтган: «Талаб айёмларида Мансур Ҳаллож сифати икки марта менда туғён урди. Бир дор бор эди. Икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: «Жойинг мана шу дордир!» Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кета олдим».

Нақшбанднинг руҳий камолоти энг комил инсон пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) даражасига етган. Лекин у доимо хушёрлик мақомида турган. Манбада унинг қуйидаги сўзи келтирилади: «Охири бир боргоҳга етдимки, бу боргоҳдан муаззамроқ боргоҳ йўқ эди. Билдимки, бу Муҳаммад боргоҳлари эди. Боязид қилган ишни қилмадим, яъни беадабликка йўл қўймадим». Демак, Нақшбанд бехушлик – сукур йўлидан бормасдан, огоҳлик, хушёрлик мақомида турган.

Манбаларда кейинги руҳий тарбия берган валий Хожа Ҳаким Термизий эканлиги кўрсатилган. Ҳижрий 789 йилда Баҳоуддин айтган эдики: «Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким Термизий тариқатига эршамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман». Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳам Хизр пайғамбардан тарбия олган.

Сиддиқ Рушдийнинг «Авлиёлар султони. Туронлик валийлар» китобида қуйидагича маълумот мавжуд:

---

Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бухорий (қ.с.) дунёга келиб Саййид Амир Кулол (қ.с.)нинг хизмати ва мулозаматларига мушарраф бўлиб, «исми зот»ни таълим олдилар ва «зикри хуфия»га машғул бўлиб, бир неча муддатни ўтказдилар. Лекин уларнинг хотири шарифларида «исми зот»нинг нақши қарор топмади. Бу ҳол уларни диққат қилиб қўйди. Бир кун ғамгин ва маҳзун бўлиб, саҳрога чиққан эдилар, ҳазрати Хизр (а.с.) дуч келиб, шундай дедилар: «Эй Баҳоуддин, менга «исми Аъзам»ни Ҳазрати мажзуби субҳони Саййид Абдулқодир Гилоний (р.а.) таълим қилмишлар. Сиз ул ҳазратнинг жаноби олияларига сиғингайсиз, мақсудлари эшиги уларнинг баракотларидан очилғусидир». Ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с.) уйларига келиб, ул кеча Ҳазрати Ғавсул Аъзам (р.а.)нинг жанобларига бутун диққатларини бериб сиғиндилар. Воқеада кўрдилар – ул ҳазрат ўнг қўлларининг бармоқларида «исми зот»нинг нақши зоҳир ва хувайдо эди. Ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг тарафига кўрсатдилар. Шу бир кўргазмалик билан ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг зоҳир ва ботинларига «исми зот» нақш боғлади. То шу мартабага етдилар – кимхоб тўқиган маҳалда «исми зот» гуллар ўрнига нақш бўлмиш эди. Бу воқеадан кейин «зикри хуфия» машҳур бўлди. Улардан халқ кўп баҳра топди. Ҳазрат Хожа Баҳоуддин: «Бу файз бизга Ҳазрати Ғавсус сақалайнинг файзларидан бўлмишдир», – деб эдилар.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлик йўлида зоҳир юзидан Муҳаммад Бобойи Самосий, Халил Ота, Амир Кулол Ориф Деггароний, Қусам Шайхлардан бевосита тарбия олиш билан бирга, аслида илоҳий иноят ила руҳоний устозлар воситаси билан Оллоҳнинг файзини қабул этган ва илоҳий нурларни зуҳур қилиш манзилига айланган.

## Нақшбандия тариқати асосчиси

**Б**аҳоуддин Нақшбанднинг деярли бутун умри Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда суфийлик билан ўтган. У икки марта ҳаж қилган. Унинг иккинчи ҳажиди шогирди Хожа Муҳаммад Порсо унга ҳамроҳ бўлган. Қайтишда Нишопур ва Ҳиротга бурилиб, баъзи машҳур шайхлар билан кўришиб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган. Ҳиротда бир муддат истиқомат қилиб қолган. У Бухорога қайтиб келгач, қолган бутун умрини шу ерда ўтказди. Ғарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати – кимхобга нақш (гул) солиш билан кун кўрган. Хизматкор ёки чўри тутишни гуноҳ деб билган. Кул сақлашни қаттиқ қоралаган.

Саййид Мир Қудол вафот этгач (1370), пирнинг васиятига биноан унинг халифаси (ўринбосари ва издоши) сифатида хожатон тариқатини бошқарди. Бу тариқат ҳазрат *Баҳоуддин Нақшбанд* номлари билан кейинчалик *нақшбандия* тариқати деб номланган.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз туғилган қишлоғи – Қасри Орифонда 1389 йил март ойида 71 ёшида вафот этди. У киндик қони тўкилган қишлоқда дафн этилди. Бу жой бугунги кунда *Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи* сифатида бутун дунёга машҳур.

Баҳоуддин Нақшбанднинг икки фарзандлари – бир ўғил ва бир қизлари бўлган. Ўғиллари ёшлигида вафот этган. Қизларини вояга етганда Хожа Алоуддин Атторга берганлар. Алоуддин Аттор у кишига ҳам куёв, ҳам халифа (ўринбосар) бўлган. Набиралари Хожа Ҳасан Аттор, абиралари Хожа Юсуф ўз даврининг валийлари бўлган. Унинг авлодлари қизи орқали бугунги кунчага етиб келган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо ва Яъқуби Чархий унинг таълимоти ва тариқатини давом эттирганлар. Бу таълимот ва тариқат ҳозирги кунгача жаҳоншумул аҳамиятга эга.

---

## Баҳоуддин Нақшбанднинг илмий ва маънавий мероси

**Б**аҳоуддин Нақшбанддан бир қатор асарлар мерос қолган. Шамсутдин Сомийнинг «Қомус ал-аълом» китобида ёзилишича, унинг «Ҳаётнома» номли ваъз ва панду насиҳатлардан иборат манзумаси (шеърий асари) ва «Далойил ул-ошиқон» («Ошиқлар далили») деган тасаввуфга оид китоби бўлган. Ул зот рубоийлар ҳам ёзган. Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» асари қўлёзмаси сақланади. Ўтмишда бу асарга кўплаб шарҳлар битилган. Ушбу сатрлар муаллифи томонидан «Аврод» асари ўзбек тилида 2000 йилда Бухорода нашр қилинди.

«Аврод» (арабча «вирд» сўзининг кўплиги ўзбек тилида «тарк этмай доим бажариб туриладиган вазифа» маъносида келади) сўзининг тасаввуфий маъноси ҳам бор. Вирд шайх ва муридларнинг узлуксиз ўқиб юришлари шарт бўлган тиловат, зикр, тасбех, дуо, салават каби амалларини ўз ичига олади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» асари нақшбандия тариқатига кирган солиқ манзилга – Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада этиб ва қалб билан такрорлаб туриши зарур бўлган санолар, Тангрининг исмлари, зикр, тасбех, Қуръон оятлари тиловати, салават ва дуолар тўпламидан иборат. Бинобарин, Хожа Баҳоуддиннинг «Аврод» асарини солиқлар учун илоҳий *файз*ни қабул қилиш мақсадида яратилган муборак сарчашма, деб баҳолаш мумкин.

«Аврод» асарининг таржима ва таҳлилидан маълум бўладики, унда инсон камолотининг энг олий ҳади, яъни идеали бўлган Тангри зоти, сифатлари, исмлари ва феъллари кўрсатилган. Бу билан буюк суфий инсонни ўз аслини билиб, Тангридаги гўзал сифатлар билан безанишга ва чиройли ахлоқ соҳиби бўлишга чақиради. Асарда Тангрининг исмлари келтирилган ва Нақшбанднинг ўзи томонидан олий зотга, Худога қилган муножотлари ёзилган. Бу сатрларни англаб, ўқиб, мушоҳада қилган киши оламдаги бошқа боғланишлар тизимидан узилиб, Олий Идеал ва Мукаммал Гўзаллик билан боғланади.

Тасаввуф фалсафасида инсон энг асосий муаммодир. Инсон бу ўткинчи оламда таваллуд топганидан то риҳлат қилгунга қадар дунёвий-башарий иллар билан чамбарчас боғланиб, ўз яратувчисини унутади. Мутлақ Гўзаллик ва Олий Идеал бўлган Тангри ва инсон ўртасида нур ва зулматдан иборат ҳижоб – парда, тўсиқлар вужудга келади. Ҳазрат Баҳоуддиннинг бу асари инсон ва Тангри ўртасидаги ана шу ҳижобларни кўтаришга ва асл моҳиятини англаб идрок этишга хизмат қилади. Рисолада кўрсатилган ўзига хос зикру қоидалар тизими орқали муаллиф бу ишнинг энг осон йўлини тавсия этади.

«Аврод»да бутун борлиқ ягона илоҳий асоста эга бўлган икки оламдан иборат деб қаралади. Бу оламларнинг бири амр, иккинчиси халқ деб номланади. Амр – Тангрининг амри билан яратилган бирламчи, абадий ва асосий олам, халқ – шу амр оламининг тадрижий ривожланиши натижасида вужудга келган мавжудотлар оламидир. Иккинчи оламнинг асли амр олами бўлиб, у ўзгарувчан ва фонийдир. Шу билан бирга, Баҳоуддин Нақшбанд жами борлиқни ғайб ва шаҳодат оламларига ажратади. Ғайб бизга кўринмайдиган фаришталар, жинлар ва бошқа илоҳий қувватлар олами. Шаҳодат биз гувоҳ бўлиб турган зоҳирий олам. Нақшбанд фикрича, шаҳодат оламини инсон ўз ҳиссиётлари ва ақли орқали ўрганиши мумкин. Аммо Тангри ўзи истаган кишигагина ғайб олами сир-асрорини ўрганиш, ладуний – ўз билимларидан бериши мумкин.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» асари мазмун ва моҳиятини тўлиқ очиб беришга ёрдам берадиган восита мазкур асарга ёзилган шарҳлардир. «Аврод»га ёзилган биринчи шарҳ XV асрда яшаган йирик мушорих Али ибн Аҳмад Ғурийнинг «Канз ал ибод фи шарҳ ал Аврод» («Аврод шарҳи – ибодат аҳли учун хазина») асаридир. Ғурий ўз даврининг машҳур шарҳловчи олими бўлган. У Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод»и билан бирга сухравардия тариқатининг асосчиси Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардийнинг «Аврод»ига ҳам шарҳ ёзган.

Али ибн Аҳмад Ғурийнинг «Аврод» асарига ёзилган шарҳининг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. «Аврод» асарига ёзилган бошқа муаллифларнинг ҳам шарҳлари мавжуд.





Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро шаҳри яқинида дафн этилган. Унинг қabri азалдан зиёратгоҳ ҳисобланади. Илгари Бухоро хонлари ва амирлари тахтта ўтиришдан один, сафарга чиқаётганда ва қайтаётганда албатта Баҳоуддин Нақшбанд дахмасини зиёрат қилишган. Бухоро хони, шайбонийлардан Абдулазизхон (Убайдуллахоннинг ўғли) 1544 йили Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси ёнида улкан бир хонақоҳ қурдирган.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин нақшбандия тариқати кенг ёйилди. XV асрда Хожа Аҳрор бу тариқатнинг энг йирик раҳнамоси сифатида майдонга чиқди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби шоирлар ҳам нақшбандия тариқатида эдилар. Улар ижодида нақшбандия ғоялари кенг ва атрофлича тарғиб этилди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида, унинг таълимоти хусусида, нақшбандий шахслар тўғрисида талай асарлар яратилган. Салоҳ ибн Муборак Бухорийнинг «Анисут-толибийн ва уддатуссоликийн» («Толиблар опнаси ва солиқлар раҳнамоси») асари (1383 йил)да Нақшбанднинг ҳаёт тарзи, кашфу кароматлари ва пурҳикмат сўзларидан намуналар берилади. Бу асар «Маноқибн Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» («Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг таъриф ва тавсифлари») номи билан ҳам юритилади. Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Ҳазрати Хожа Нақшбанд» асари ҳам бор. Булардан ташқари Баҳоуддин Нақшбанднинг суюкли халифаси Хожа Муҳаммад Порсо томонидан ёзиб қолдирилган асарларда ҳам ул зот тўғрисида ҳикоя қилинади.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги 1993 йил 16 сентябрда Бухорода тантанали равишда нишонланди. Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси қайта таъмирланди, қўшимча бинолар ва боғ бунёд қилиниб, Нақшбандия музейи ташкил этилди. Ўзбекистонда нақшбандия таълимотини ўрганишга аҳамият кучайди. Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси ҳузурида Нақшбандия илмий маркази мавжуд. У ерда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказининг «Нақшбанд» илмий журнали 2008 йилдан нашр қилина бошланди.

---

Баҳоуддин Нақшбанд  
РУБОИЙЛАР

Йўқ ҳеч нимамизу ҳеч нимамиз кам эмас,  
Бор-йўқ гами ҳеч қачон биз учун гам эмас.  
Боқ елкада – жонда, орқада – қабристон,  
Бир кун бу жаҳондан кетсак, мотам эмас.

Майхонада май хуморлигим қўрқитгай,  
Уткинчи жаҳонда борлигим қўрқитгай.  
Ўзинга ўзингни кўрсатар ул дамда  
Ҳар лаҳза гурурга ёрлигим қўрқитгай.

Кўнглимга яна ишқ оташи сочилди,  
Қаршимда ҳақиқат эшиги очилди.  
Оллоҳим кўрувчи кўзга маккор бу хаёл  
Парда бўлади деб ундан қочилди.

Дил қонидан икки кўздаги нам афзал,  
Айшу ишратдан аламу гам афзал.  
Ҳақ даргоҳида бир лаҳза дил ҳузури  
Жумла олам давлатидан ҳам афзал.

Ё Раб, не қилай, ҳеч бир эшик очилмас,  
Гуноҳ кўпидан тилимга сўз ҳам келмас.  
Оламда мени бир чақага олмаслар,  
Ё Раб, не матоман – харидор топилмас?!  
Эй Тангри, дилимни ураган пардани оч,  
Эл миннатисиз йўлимга ризқимни-да соч.  
Лутфингни дариг тутма сира ҳам токи мен  
Бўлмай қишига ташвишу бош оғриги ҳеч.

Эргаш Очиллов таржимаси

(Ушбу рубоийлар «Донишмандлар тухфаси» [Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 278-бет] китобидан олинди – Масъул муҳаррир изох.)



**Хожа Юсуф Ҳамадоний ва  
Бухорои шарифнинг етти пири  
(хожагон-нақшбандия тариқати назариётчилари):**

1. Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1141).
2. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний – Хожаи Жаҳон (1103–1179).
3. Хожа Ориф Моҳитобон – Ревгарий (XII аср ўртаси – 1259).
4. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (XII аср охири – 1286).
5. Хожа Али Ромитаний – Хожаи Азизон (XIII аср ўртаси – 1321).
6. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (XIII аср сўнги чораги – 1354).
7. Саййид Мир Кулол (XIII аср охири – 1370).
8. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389).

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Форсийдан Махмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: Ёзувчи, 1993.
5. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат // Мукаммал асарлар гўплами. Йигирма томлик. Т. 17. Нашрга тайёрловчилар: С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. – Т.: Фан, 2001.
6. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (Авроди баҳоия). Г. Наврўзова таржимаси. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2000.
7. Дурдона. Мир кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақоматлари. Фортожик тилидан С.С. Бухорий ва И. Субҳон таржимаси. – Т.: Шарқ, 1993.
8. Донишмандлар тухфаси (Рубоийлар). Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
9. Идрис Шоҳ. Нақшбандий тариқати (ўзбек, инглиз, рус т.). Ўзбек тилига В. Рўзиматов таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
10. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996.
11. Комилов Н. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
12. Мудрость суфиев / Пер. с персидского О.М. Ястребовой, Ю.А. Иоаннесяна, Б.М. Бабаджанова. – СПб.: Петербургское Востоковедение, 2001.
13. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Табдил этиб, нашрга тайёрловчи И. Остонақулов. – Т.: Камалак, 1995.
14. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2005.
15. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Т.: Фан, 2007.

- 
16. *Наврӯзова Г.Н.* Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2008.
  17. *Наврӯзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С.* Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006.
  18. *Ориф Усмон.* Бухорои шарифнинг етти пири. – Т.: 2003.
  19. [Ражабов К.] Ревгарий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 7. – Т.: Ўз МЭ нашриёти, 2004. 284-бет.
  20. [Ражабов К.] Ромитаний // Ислоҳ. Энциклопедия. – Т.: Ўз МЭ нашриёти, 2004. 199-бет.
  21. *Садриддин Салим Бухорий.* Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Т.: Ёзувчи, 1993.
  22. *С.С. Бухорий.* Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Дилда ёр). – Т.: Бухоро – Ўқитувчи, 2007.
  23. *Сайфиддин Сайфуллоҳ.* Ҳазрати Нақшбанд рубоийлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2009.
  24. *Султонмурод Олим.* Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
  25. *Тримингэм Дж.С.* Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского А.А. Ставиской, под редакцией с предисловием О.Ф. Акимушкина. – Москва: Наука, 1989.
  26. *Фахруддин Али Сафий.* Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). Форс тилидан Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.
  27. *Хожа Юсуф Ҳамадоний.* Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт). С. Сайфуллоҳ ва Н. Ҳасан таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
  28. *Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий.* Орифнома. Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси. – Т.: Наврӯз, 1994.
  29. *Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний.* Сўзбоши ва таржима муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
  30. *Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар (Тўплам).* – Т.: Ўзбекистон, 1994.

---

## Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Таваллуд топган тупроқ ва устозлари .....	4
Баҳоуддин Нақшбанд – увайсий зот .....	10
Нақшбандия тариқати асосчиси .....	13
Нақшбандия таълимоти.....	14
Баҳоуддин Нақшбанднинг илмий ва маънавий мероси .....	16
<i>Баҳоуддин Нақшбанд. Рубоийлар</i> .....	19
Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Бухорои шарифнинг етти пири (хожагон-нақшбандия тариқати назарийгчилари) .....	20
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	21

**Гулчеҳра Неъматовна Наврӯзова,**  
фалсафа фанлари доктори

## **БАҲОУДДИН НАҚШБАНД**

*(рисола)*

*ўзбек тилида*

Мухаррир **В. Умиров**  
Техник муҳаррир **У. Хамутов**  
Компьютерда матн терувчи **С. Ражабова**  
Мусахҳиҳ **Н. Сайдаҳмедова**  
Дизайнер **Г. Насридинова**  
Компьютерда саҳифаловчи **С. Сайдаҳмедов**

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.  
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 16-А уй.  
Телефон: (+99871) 241-0169  
Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: [abu\\_mc@uzconsult.org](mailto:abu_mc@uzconsult.org)  
[abu.matbuot-consult@yandex.ru](mailto:abu.matbuot-consult@yandex.ru)

Нашр. лиц. АИ № 090, 16.07.2007. Босилма 07.04.2011 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Шартли босма тобоғи 1,4. Нашр тобоғи 1,5.  
Адади 2000 (биринчи завод – 1000). Буюртма №11-018.  
Баҳоси партнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МЧЖ  
матбаа бўлимида босилди.

## “ТАРИХ ВА ТАҚДИР”

рукнида чоп этилаётган рисоалар:

- |                            |                        |
|----------------------------|------------------------|
| 1. АМИР ТЕМУР              | 16. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ |
| 2. АЛП ЭР ТЎНГА (АФРОСИЁБ) | 17. НАЖМИДДИН КУБРО    |
| 3. ТУН ЯБҒУ-ХОҲОН          | 18. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД |
| 4. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ   | 19. АЛИШЕР НАВОИЙ      |
| 5. УЛУҒБЕК                 | 20. МАХДУМИ АЪЗАМ      |
| 6. БОБУР                   | 21. МАШРАБ             |
| 7. МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН    | 22. МУҚАННА            |
| 8. УБАЙДУЛЛАХОН            | 23. КАТТА ЭРГАШ        |
| 9. АБДУЛЛАХОН II           | 24. МАДАМИНБЕК         |
| 10. НАСРУЛЛОҲОН            | 25. ШЕРМУҲАММАДБЕК     |
| 11. ШОҲМУРОД               | 26. ЖУНАИДХОН          |
| 12. АМИР ОЛИМХОН           | 27. ИБРОҲИМБЕК         |
| 13. УСМОН ХЎЖА             | 28. МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР  |
| 14. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ        | 29. ҲАМРО ПОЛВОН       |
| 15. АБУ АЛИ ИБН СИНО       | 30. ПЎЛАТ СОЛИЕВ       |

ISBN 978-9943-336-53-7



9 789943 336667

Т”